



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (12.105)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ЎЗБЕКИСТОН ОСМОНИДА ЯНА БИР «BOEING» САМОЛЁТИ

Шу йилнинг 29 февралда «Тошкент» халқаро аэропортига «Boeing-767-300ER» русумли яна бир самолёт келиб қўнди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг паркидаги самолётлар таркибига Американинг дунёга машҳур «Boeing» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган бир неча ҳаво кемалари бўлиб, улардан муваффақиятли фойдаланиб келинаётир.

Таъкидлаш жоизки, бу авиалайнер ҳам аввалгиларига ўхшаб кам ҳаёрат талаб этиши, технологик янгиликлари, йўловчилар салонининг юқори даражадаги қўлайликлари, махсус конструкциядаги ўриндиқлар билан жиҳозланганлиги, йўловчиларга олис парвозларни хотиржам ўтказишларини таъминлаши билан қатор афзалликларга эга.

Янги «B-767-300ER» самолётини учувчи-инструктор Июсиф Зак, ҳаво кемаси командири Темура Фаёзуллаев, иккинчи учувчи Рустам Туробов ва бош штурман Станислав Гурфинкелдан иборат экипаж Ўзбекистонга олиб келди. Сизлет шахридан Тошкентгача бўлган парвоз 13 соат давом этди, — дейди ўза муҳбири ҳаво кемаси командири Темура Фаёзуллаев. — Мен янги техникаларни олиб келишда биринчи бор иштирок этаётганим йўқ, аммо ҳар сафар зиммамга юклатилган вазифани бажаришга катта масъулият билан ёндашаман. Шунинг айтишим мумкинки, бундай қанотли машиналар двигателларининг тежамкорлиги, бошқарилуви қўлайлиги ва салонда йўловчиларга барча шартроит яратилганлиги билан ажралиб туради.

Бу лайнерлар, шубҳасиз, йўловчи ташвиш қўрсаткичларини тобора ошириб бораётган Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг келажақдаги ривожига хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзудаги халқаро конференция Ўзбекистон Республикасида таълим ва маърифатни ривожлантиришга нисбатан илмий ёндашувларнинг юқори мезонларини намойн этди.

Қуйида ушбу халқаро анжуман иштирокчиларининг мамлакатимиз таълим соҳасида тўплаган бой тажриба, интеллектуал ривожланган ва соғлом авлодни шакллантириш учун яратилган шарт-шароитлар хусусидаги таассуротлари билан танишасиз.

Хусусан, **Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутаты Ким Ёнг Гу** узоқ йиллардан буён Ўзбекистонда барча соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётганини билдирди экан, мамлакат Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар сиёсати ўзининг тўғри-

лигини тўла тасдиқлаганига ишонч ҳосил қилганини қайд этди.

— Маълумки, Ўзбекистоннинг қўна замини қадим замонлардан буён жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири ва илм-фан ўчоғи бўлиб келган, — деди у. — Илм олишга интилиш ўзбек халқи менталитетининг узвий қисми ҳисобланади. Бугун Ўзбекистон кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишни таъминлагани ҳолда ривожланган бозор иқтисодиётига эга замонавий давлат қуриш йўлидан бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСКА САТРАПДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЮНУСОБОД** спорт мажмуасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан болалар спортини ривожлан-

тириш, ўсмирларни спортга янада фаол жалб этиш мақсадида Республика спорт фестивали бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент кимё-технология институти ҳамкорлигида «Кимёгар ма-

ликалар — 2012» кўрик-танлови ўтказилди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида фармацевтика саноатига инвестиция лойиҳаларини кенг жалб этиш чоратadbirlари самараларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

## 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

## ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз дунёнинг кўплаб давлатлари, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ушбу ташкилотнинг қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси яқдиллик билан маъқуллаш асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеяси мажлисларида халқаро терроризм, диний экстремизм, қурол-яроғ ва наркотрафикка қарши курашиш бўйича илгари сурган ташаббуслари жаҳон миқёсида катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Президентимизнинг таклиф ва ташаббуслари Марказий Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда, Орол фожияси оқибатларини юмшатишда, минтақамиздаги экологик муҳит хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили Истанбулда ўтган саммитида Президентимиз Ислам Каримов БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш госясини илгари сурди. 2001 йил сентябрь ойида БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш кўмитасининг ташкил этилиши бу госянинг амалдаги натижаси бўлди.

Оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик доирасидаги устувор вазифалардан. Қайд этиш жоизки, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш таклифи ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган. 2006 йилнинг сентябрида Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида»ги шартномани имзоладилар. Бу шартнома минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, дунёда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги гоят муҳим қадам бўлди.

БМТнинг 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш декларациясини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон ўтган даврда бу борада барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришди. Ижтимоий соҳада, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида жорий этилган дастурлар амалиётга изчил татбиқ этилаётгани мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги улкан муваффақиятларнинг қўлга киритилишида муҳим омил бўлмоқда. 2011-2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари борасида мамлакатимизда қабул қилинган давлат режиси бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққийёт дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш босқичмаси (ЮНОДС), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС), Гендер тенглиги, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари тузилмаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир.

(Давоми 2-бетда)

**АЗИЗ ХАМШАҲАРЛАР!**  
**ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН БАРЧАМИЗ БИР**  
**ЁҚАНДА БОШ ЧИКАРИБ, ПОЙТАХТИМИЗДА**  
**НАВРЎЗИ ОЛАМНИ МУНОСИБ КУТИБ**  
**ОЛИШ УЧУН ОЙЛИК ДАВОМИДА 3-4 МАРТ**  
**ШАНБА, ЯҚШАНБА КУНЛАРИ**  
**ЎТКАЗИЛАДИГАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА**  
**КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ҲАШАРЛАРИДА**  
**ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, БАҲОРИЙ ХУШ**  
**КАЙФИЯТ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ ЯНАДА**  
**ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛИШИГА ЎЗ**  
**ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК.**



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида «Хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш» мавзуда амалий ўқув семинари бўлиб ўтди.

• Шофирконлик ишбилармон Нортжи Очилов саъй-ҳаракати билан туман марказида қад ростлаган «Ферангиз» мажмуасида маиший техника жиҳозларини тузатиш, пойабзал таъмирлаш, сартарошхона, дорихона каби савдо ва маиший хизмат шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. «Ферангиз»нинг фойдаланишга топширилиши туфайли 20 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

• Хива шаҳрида Мустаҳкам оила йили муносабати билан таълим ва маданият соҳасида ишлаётган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида аёллар спартакиадаси ўтказилди. 200 нафар хотин-қиз қатнашган ушбу тадбир қизқарли беллашувларга бой бўлди.

• Мустаҳкам оила йилида Самарқандда ибратли ташаббусга қўл урилди. Янги оила қураётган келин-куёвларга Алишер Навоий асарларини тўхфа қилиш, бу бебаҳо бойликни қизларга келин сепи сифатида бериш яхши анъанага айланмоқда.

• Термиз шаҳридаги «Декла Сурхон» хусусий корхонасида мебель жиҳозлари тайёрлашга ихтисослаштирилган технологик линия ишга туширилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу корхонада ҳозирги кунда хорижникидан қолишмайдиган мебель, уй-рўзгор буюмлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Франция ва Италия мамлакатлари Алп тоғи остидан темир йўл туннели ўтказиш бўйича ўзаро келишувга эришди. Унга кўра, келажақда Турин билан Лион шаҳарларини тезювар поезд бир-бири билан боғлайди. Маълумотларга кўра, ушбу туннель қурилиши 2023 йилда якунланади. Унга 11,2 миллиард долларлик маблағ сарфланади. Молиялаш Франция ва Италия сармояларидан ташқари, Европа Иттифоқи маблағи ҳисобига ҳам амалга оширилади.

• Германия Федерал конституциявий суди Гамбург шаҳрида жамоат жойларида сигарет чекишни тақиқлаш бўйича яқинда қабул қилинган чорани бекор қилди. Бунга шаҳар маъмурияти чекишни барча жамоат жойларида тенг тақиқламагани, яъни умумий оқатланиш шохобчаларида чекиш тақиқлангани ҳолда чанқовбосди ичкиликлар истеъмол қилинадиган шохобчаларда эса бундай тақиқлов жорий этилмагани сабаб бўлган.

• Германия полицияси Фан ва маданият вазирлиги раҳбарларидан бирини кутубхонадан 5 минг дона китоб ўғирлаганида айблаб, ҳибсга олди. Унинг хонадони тинтув қилинганда илмий мавзудаги мингга яқин китоблар яшириб қўйилгани маълум бўлди. Уларнинг барчасига кутубхона муҳри босилган. Маълумотларга қараганда, ушбу асарларнинг қиймати бир неча миллион еврога тенг экан.

• Халқаро полиция (Интерпол) «Тузоқ» деб номланган қидирув операцияси жараёнида Аргентина, Чили, Колумбия ва Испания фуқаролари бўлган «Аноним» ҳакерлар ҳаракатига кўрвучи 25 кишини қўлга олди. Мазкур ҳаракат бир неча йиллардан буён ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ташкилотлари ахборот базасига ҳужум уюштириб, махфий маълумотларни ўзлаштириб келган.



**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий дунёдаги энг муҳим қадрият ва демократик тараққиёт мақсадларига эришишдаги ҳал қилувчи куч — юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мустақилликка эришган илк кўнларданок Ўзбекистонда устувор йўналишлардан бирига айланган эди. Мен республика эришган муваффақиятлардан чин дилдан хурсандман. Ёшлар таълими ва уларни тарбиялашга алоҳида эътибор бергани ҳолда Ўзбекистон келажақ учун катта сармоя қўйётганини таъкидлашни истар эдим.

**«The Korea Post»** журнали ношири Ли Кён-сик ҳам тарихан илм-фан маркази бўлган Ўзбекистон Абу Райхон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий сингари кўплаб машхур олим ва мутафаккирларнинг қўлгун ватани эканлигини айтди.

«Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотлари шароитида давлат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий сиёсатнинг олиб борилаётгани, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ёшларнинг таълим олишига қаратилаётган катта эътибор бу республикани баъзи кўшни давлатлардан ажратиб туради.

Шахсан Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳақли равишда халқро микёсда эътироф этилган «Ўзбек модели» бир пайлардаги марказлашган буйруқбозликка асосланган режалар тизимдан замонавий бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион, босқичма-босқич концепцияси нақадар ҳаётий ва тўғри эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатди.

Дарҳақиқат, самарали таълим ва тарбия тизимиغا эга бўлмасдан мустақил иқтисодиётни, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, миллатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти тараққиётини таъминлаб бўлмас эди. Бу ҳақиқат Ўзбекистонда теран англанди — Президент Ислам Каримов мустақилликнинг илк кўнлариданок янги авлодга таълим бериш ва тарбиялаш тизимида чуқур ислохотлар зарур эканлигини баён қилди», деди у.

**«Фонтис» университети профессори, «Intertwene Consultancy»** ноҳукумат ташкилотининг раҳбари Корнели Ладжа (Нидерландия) Президент Ислам Каримовнинг мазкур халқро конференциядаги нутқида ўз ифодасини тошган таълим тизимидаги инновацион ёндошувларнинг аҳамияти масаласига эътибор қаратди.

— Ўзбекистон Президентини таъкидлаганидек, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар мехнатининг роли ва аҳамияти бениҳоят каттадир, — деди профессор. — Ўзбекистон таълим соҳасида салмоқли муваффақиятларга эришди. Таълим тизimini такомиллаштириш, хусусан, олий ўқув юрталарини жиҳозлаш, спорт иншоотлари барпо этиш ва замонавий илмий-тадқиқот марказларини яратиб буйича амалга оширилган ишларнинг кўлами мени хайратда қолдирди.

**Халл Университетининг Бизнес мактаби профессори Питер Мюррей (Буюк Британия)** Ўзбекистонда ижтимоий соҳага, жумладан, таълимин ривожлантириш ва ёшларни рағбатлантиришга катта миқдордаги маблағлар ажратиётганини уни қувонтиришини маълум қилди.

— Мазкур халқро конференция республикадаги таълим тизими билан танишиш, ўзаро ҳамкорлик ва келгусидаги тараққиёт йўллари аниқлаш учун ажойиб имконият

ятради, — деди британиялик профессор. — Тошкентдаги қатор касб-хунар коллежлари ва университетларда бўлган чоғида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган, интернет-лаборатория, кутубхона, мультимедия марказларига эга бўлган ўқув муассасаларида таълим олаётган ўзбек ёшларининг заковати юқори даражада эканлиги мени лол қолдирди. Шу ўринда мамлакатингиз педагогларининг юқори малакага эга эканлиги ва уларнинг фидокорлигини ҳам таъкидлашни истар эдим.

**Ж.Неру номидаги университет профессори Пул Бадан (Ҳиндистон)** ушбу конференция дунёнинг етакчи ўқув муассасалари ҳамда жаҳон илм-фан ва эксперт-таҳлил ҳамжамияти орасида катта қизиқиш уйғотганига эътибор қаратди.

— Тошкент конференцияси турли-туман илмий муассасалар вакиллари учрашган майдон бўлди, — деди у. — Анжуман иштирокчилари таълим соҳа-



нутқида Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида сўзлар экан, кишида катта таассуротлар қолдирадиган қатор далил ва рақамларни келтирди. Хусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида республикадаги деярли барча мактаблар янгирилгани баробарида 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари қурилган ҳақидаги маълумот ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган деб ўйлайман.

Маълумки, мактаб қуриш қадим-қадим замонлардан буён энг хайрли ишлардан бири ҳисобланиб келади. Фарзандларимизга яхши таълим бериш — нафақат бизларнинг бурчимиз, балки ҳозирги замоннинг стратегик талаби ҳамдир. Бу жиҳат Ўзбекистонда жуда яхши, теран англанганига шайхсан шохид бўлдим.

**Умумжаҳон қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар бўйича олий таълим уюшмалари конфедерацияси бошқарувининг раиси Филипп Шокэ (Франция)** ахборот технологиялари, интернет тараққиёти сингари соҳалар билан бирга таълимнинг қишлоқ хўжалиги йўналиши ҳам ёшларнинг катта қисми қишлоқ жойларда яшайдиган мамлакат учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида билимларга эга бўлиш экология, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини жиҳоз қилиш ва бошқа ҳаётий муҳим масалалар билан ҳам бевосита боғлиқдир, — деди у. — Ушбу халқро форумдаги урчуллар қарлар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ривожига ҳам янги туртки беради. Президент Ислам Каримовнинг мамлакат келажаги халқнинг билим даражасига бевосита боғлиқ эканлиги, устозга нисбатан ҳурмат эса инсоний қадриятлар ва ўсиб келаётган авлоднинг тарбиялаш асосларидан бири ҳисоблангани ҳақида айтган фикрлари мамлакат раҳбариятининг таълим соҳаси ва ёш авлод тарбиясига қай даражада жиддий эътибор қаратаётганидан далолатдир.

«Жаҳон» АА

**БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ**

сини янада такомиллаштиришнинг истиқболлари ва имкониятлари тўғрисидаги ўз фикрлари ва фикрлари билан ўртоқлашдилар. Бунда, албатта, мамлакат мустақиллиги йилларида Ўзбекистон тўплаган тажриба марказий ўрин тугди. Ушбу халқро илмий-амалий анжуман ишида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг иштирок этиши таълим тараққиёти мамлакат раҳбариятининг диққат марказида эканлигидан далолат беради. Давлат раҳбарининг конференциядаги нутқи Ўзбекистон таълим тизимининг тараққиёти, бу йўналишда олиб борилаётган ислохотлардан қўланган мақсад ва вазифалар ҳақида ҳар томонлама ва атрофлича тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

**Дехли университети профессори доктор Халид Мустафа Али** мазкур конференцияда ўз маърузаси билан иштирок этиш шарафига мўътабар бўлганидан мамнуният билдирар экан, дунёнинг қўнгина мамлакатларидан келган ҳамкасблари билан фикр алмашиш ўзини беҳад қувонтиганини қайд этди.

— Мен таълимни ривожлантириш бўйича Ҳиндистон тажрибасини ўртоқлашганим баробарида ўзим учун фойдали бўлган жуда кўп маълумотларга эга бўлдим, деди хинд олими. — Конференция давомида биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат кенг кўламли, балки юқори самарадорли эканлигига ҳам яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Биз бориб кўрган замонавий ўқув муассасалари Ўзбекистонда таълим тизimini ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган улкан ишларнинг ёрқин намунасидир.

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг нутқида эътибор қаратишни истар эдим. Мамлакат етакчиси ўз

нинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялли мажлисидидаги нутқида глобал микёсдаги долзарб масалалар юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар билдирди. Жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кенаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон моҳаросини тинч йўл билан ҳал этишга оид амалий тақлифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қўтиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг халқро ҳамжамиятдаги обрўси ва нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафика қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқро ҳамкорлики кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди.

БМТ билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб, қаров доираси кенгайиб бораётди. Ўзбекистон ушбу халқро ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилар экан, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшверади.

Ноҳидра МАНЗУРОВА,  
ЎЗА шарҳловчиси

**Мамлакатимизда ёшларни илм-фанга жалб қилиш, уларнинг истиқболли илмий ишлардаги иштирокини таъминлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

**Тақдимот ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш жорий этиш иштироки билан рағбатлантиришни қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорига асосан бир неча йилдан буён инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларнинг республика ярмаркаси ўтказилиб келинмоқда. Ярмаркада «Устоз-шогирд» тизими асосида тадқиқот ишлари олиб бораётган ёшлар ҳам ўзларининг илмий ишланмалари билан қатнашмоқда.

Кунни кеча Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Инновацион технологияларнинг ёш соҳиблари — 2011» лойиҳасининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси, олий ўқув юрталари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Инновацион технологияларнинг ёш соҳиблари — 2011» танловининг «Энг яхши илмий ғоя ва технологиялар соҳиблари» йўналишида фаол иштироки учун кутубхоналарга миллий дастур яратган «TREND SW» компанияси ижодкорлари гуруҳи I даражали, илмий хатоларни тўзатадиган янги компьютер дастурини яратган Ўзбекистон Миллий университети ҳамда ЎзРПА Тил ва адабиёт институти ва «YURIDA NYSA» МЧЖнинг ижодий гуруҳи II даражали, тунпроқ шўрлангани йўлида тадқиқот олиб борган Гулистон давлат университети «Умумий кимё кафедраси амалиётчи-тадқиқотчилари III даражали дипломлар билан, «Энг яхши илмий-ижодий мақола муаллифи» йўналишида фаол иштироки учун муаллифлар ҳам дипломлар билан тақдирландилар. «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси ҳамда «Соғлом авлод» газетаси ҳамкорлигида ўтказилган «Мен ва менинг Конституциям» танловида фаол иштироки учун Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчилари, университетнинг журналистика факультети талабалари, Тошкент Давлат иқтисодий университети талабаларига фахрий ёрликлар топширилди. **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, улар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО — Ўзбекистон маданий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг фаол иштирокчиси. Утган давр мобайнида бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимизнинг юбилей тадбирлари ушбу халқро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилди. «Шарқ тароналари» халқро мусика фестивали ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказиб келинаётди. ЮНЕСКО юртимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш ва кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқда. Унинг «Жаҳон маданий мероси дурдоналари» китобига қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳарларининг тарихий маркази, Хивадаги Ичан қалъа мажмуи ва кенг оёб-фойдалар киритилган. Бойсун миллий олийлар аъёнлари ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг озаки ва номоддий дурдонаси сифатида эътироф этилган. Ўзбекистон

кино усталари томонидан яратилган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон кинематография мероси рўйхатида киритилгани юртимизнинг нафақат қадимий ёдгорликларини, балки замонавий маданият ва санъат намуналари ҳам халқро микёсда қадрланаётганидан далолатдир.

ЮНФПА ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари ажралишнослик ва репродуктив саломатлик дастурларини амалга ошириш, соғлиқни сақлаш бўйича миллий тизим самарадорлигини ошириш, она ва бола саломатлигини яхшилаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларда қўмақлашчи каби масалалар борасида мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистон раислик қилган 2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи асносида БМТ ва ШХТ қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеяси-

нинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялли мажлисидидаги нутқида глобал микёсдаги долзарб масалалар юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар билдирди. Жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кенаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон моҳаросини тинч йўл билан ҳал этишга оид амалий тақлифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қўтиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг халқро ҳамжамиятдаги обрўси ва нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафика қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқро ҳамкорлики кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди.

БМТ билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб, қаров доираси кенгайиб бораётди. Ўзбекистон ушбу халқро ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилар экан, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшверади.

**Транспорт**

**ШАҲАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ**

**Тошкент метрополитени пойтахт йўловчи ташиш корхоналари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис Тошкент шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг транспортга бўлган эҳтиёжини қондириб, юқори самараларга эришиш ерости қасри жамоасининг қатъий шийорига айланган.**

Бу йил Тошкент метроси ўзининг 35 йиллигини нишонлайди. Мазкур санани муносиб қўтиб олиш учун ҳозирдан тайёрлик ишлари бошлаб юборилди.

«Ўзбекистон» электродепоси мажмуаси вагонларни туб тамирлашда пешқадамлик қилиб келмоқда. Яқин келажақда вагонларни янада самаралироқ таянч электр ўтказгичлар билан таъминлаш, вагон жиҳозларининг замонавий бошқарув тизими ва диагностикаси бўйича амалга оширилаётган техник тадбирлар кўлами янада кенгайди.

— Электр таъминоти, электромеханика, йўл хизмати, тоннел иншоотлари, алоқа ва ҳаракат хизматлари замонавий ускуналар билан таъминланди, — дейди Тошкент метрополитени бошлиғи Бахтиёр Содиков. — Техноложик жиҳозлар ва ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминлашда рационализатор ва иxtирочиларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Режа асосида ишлаб чиқаришга қўллаб рағбатлантирилган тақлифлари жорий этилиб, иқтисодий самарадорликка эришилди.

Бундан ташқари эҳтиёт қисмларни ўзимизда тайёрлаш ва маҳаллийлаштириш дастури бўйича олинган мажбуриятлар ҳам таҳсинга лойиқ. Метрополитен ўз эҳтиёжлари учун керакли микдорда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради.

Чилонзор йўлининг рельс ва уни мустаҳкамлаш элементларини, электр подстанциялар асбоб-ускуналарини, алоқа ва сигнализация электромеханик жиҳозларини алмаштириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Чилонзор йўлининг бир қатор бекатларида архитектура-бадиий безакларини, шунингдек, Ўзбекистон йўлининг баъзи бекатларида сопол элементларни қайта тиклашга ҳам киришилди.

Метрополитеннинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам талаблар даражасида бўлаётди. Айниқса, вагон хўжалиги, энергия таъминоти, сигнализация бўйича белгиланган режалар ўз вақтида адо этилмоқда. Юнусобод йўналишининг иккинчи навбати иншоотлари қурилиши жараёнида иш юретишда ҳамда ишга туширишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Иxtирочи ва рационализаторларнинг ускуна ва иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш, эҳтиёт қисмларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга доир кўплаб тақлифлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲИССАСИ ОРТМОҚДА

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Президентимиз Имом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида амалга оширилган ишларга бағиш-лаб ўтказилган ижтимоий сўров давомида бу каби саволларга жавоб олинди.

Сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ёши, маълумоти, миллати, этники ва ижтимоий мақоми турлича бўлган хотин-қизлар иштирок этиди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгариллаб кетганини ҳамда маданий-маънавий даражасини белгилайди.

Сўров давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган мазкур фармони хотин-қизларнинг мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига интеграциялашувини чуқурлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлганини кўрсатди. Парламент, ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, сиёсий-ижтимоий соҳада уларнинг иштироки анча кенгайди. Бунинг сўрагиларнинг ҳар икки нафаридан бири қайд этди.

Сўров давомида олинган маълумотлар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолиги юқори даражада эканини намойиш этмоқда. Иштирокчиларнинг 84,3 фоизи шундай фикр билдирди. Аёллар ўзлари учун мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлардан мамнун, уларнинг фикрича, бу ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолигининг, шунингдек, оила ҳамда жамиятда хотин-қизларнинг мавқеи ошишига қўмақлашмоқда.

Ижтимоий тадқиқот давомида Ўзбекистон хотин-қизларнинг мамлакатимизда демократик ислохотлар жадаллашгани сайин ўз ҳуқуқлари, имкониятлари ва келажак авлод учун жамият олдидаги мажбуриятларини яна терең англаётгани оидинлашди. Сўров қатнашчиларининг Ўзбекистонда хотин-қизларнинг барча асосий ҳуқуқлари таъминланаётганига ишончи қомил. Масалан, улар таълим олиш (90 фоизи), меҳнат қилиш (82 фоизи), тиббий хизматлардан фойдаланиш (80 фоиздан ортиги), шунингдек, қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётганини юқори баҳолайди. «Сиз ҳуқуқларингизнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган бузиллишлардан ҳуқуқий ҳимояланганингизни қай даражада ҳис этасиз?» деган саволга уларнинг қарийб 90 фоизи «тўлиқ ҳис этаман» деб жавоб берди. Сўров натижалари, шунингдек, аёлларимизнинг

## Мамлакатимиз хотин-қизлари истиклол йилларида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида яратилган шароитларни қандай баҳолайди, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишига улар қандай ҳисса қўшмоқда, аёлларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат фаоллиги қай даражада?

ҳуқуқий саводхонлиги, ўз ҳуқуқлари ва Ўзбекистон қонунчилигидан хабардорлиги ошганини кўрсатди.

